



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 219 (20. 187) • 1988 йил 23 сентябрь • жума Баҳоси 3 тийин.

КУЗ ҒАНИМАТ, ЎТМАСИН ФУРСАТ, ПАХТАКОРИМ, ЖАСОРАТ КЎРСАТ!

Олтин куз айни мавзида. Ёғларда, полкларда ҳосил йилнинг авжиди. Пахтазорларда ўзгача наҳшда: пахта бодраб очилляпти. Терим оммавий тус оляпти. Тарозга қўйлаётган пахтамиз бараксига кун сайин баракка кириб боряпти. Газеталарда, телевидение, радио кўрсатувлари ва шиктиришларида шоирлар тилида, санъаткорлар дилида шеърый сатрлар, қақиркилар, даъватлар инграмоқда:

Куз — ғанимат, ўтмасин фурсат,
Пахтакорим, жасорат кўрсат...
Редакциямизга келаятган бир-биридан қувончли хабарларга назар ташланг: «Олтинқўй районидagi «Коммуна» колхозининг Мўминжон Фармонов, Ҳакимжон Қурбоновлар бошлиқ оилавий пудрат звенolari гектар бошига 32 центнердан ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш планларини бажардилар». «Гуллаан райони механизаторлари бу йил машина теримига ҳар қачонгидан эрта киришдилар. «Коммунизм» колхозининг Озод Матниёзов, Жумабой Матқубов, Фарход Қозоқов сингари пешқадам механизаторлари дастлабки кунлардан оқ ўз «зангори кема»лари бункерларидан хирмонга 7—7,5 тоннадан «оқ олтин» тўкишляпти.

Ҳа, йил бўйи орзаниб кутилган дамлар келди. Бу дамларни бободехқон жўнгина қилиб «терим кунлари» дейди. Терим кунлари... у ҳар бир қалбага чўғ ташлайди, ғайрат-шижоат бағишляйди, механизатор, суғич, пахтакор — ҳаммасининг йил-йил икки ой қилган меҳнатига яқун ясайди. Дурдоналар чаноқларда қоллиб кетмаслиги, ерга тўкилиб йилос бўлмаслиги, ёғин-сочинли кунларга чўзилмаслиги ва ниҳоят, пировард натижа — тола сифати бузилмаслиги учун ҳар соат, ҳар бир лаҳза ғанимат эканини эслайти туради. Куз ҳисоб сўрайди — мавсум жавоб беради. Шу боиски, саратонда кетмон чопган деҳқон ҳам, қуёш ҳарорати етмаган кезде юрагин ховурини нур қилиб сочган пахтакор ҳам, суғ ўрнига «шарбат» тараган мироб ҳам, параваршини ўрнига қўйган механизатор ҳам бутун яна далага отляди.

Бу йил Хоразм диврида, Фарғона, Зарафшон водийларида, Қашқадарь, Сурхон далаларида, Қорақалпоқ ўлкаси-ю Ташкент, Сирдарё, Бухоро областларида — ҳаммасида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳалол меҳнат билан етилган тўй, бўлиқ қўшлар барвақт очилди. Ҳали сентябрнинг биринчи ярмида-йил нег пайкаллари олоққ либосга бурканди. Бу — мамлакатимизнинг катта моддий-техника ёрдамига таяниб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида қайта кўриш шабадаларидан завқу шавққа тўлиб ишлаётган бободехқон мўнжаси!

Бутун шуни қонил ишонч билан айта оламизки, даладарда ўн иккинчи беш йилнинг ичинчи йили пахта тайёрлаш плани ва мажбуриятини бажаришга етиб ортадиган ҳосил бор. Лекин у ҳали кўриниши беш киррали юлдузга қийс — чаноқларда турибди. Шундай экан, КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси йилида етиштирилган қимматбаҳо саноат хом шўбеси — янги «оқ олтин» ҳосили йиллик-теримига сурат бағишлаб, давлат планини тевроқ уудалламоқ, мажбуриятни тўла адо этмоқ учун социалистик мусобақани авж олдирмоқ чораларини кўрмоғимиз шарт.

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги кундалик маълумотлар кўрсатиб турибдики, Хоразм, Андижон, Қашқадарь, Фарғона, Наманган областларининг партия, совет ташкилотлари, агроасаноат комитетлари ва уларнинг районлардаги бирлашмалари теримга тобора кўпроқ куч сафарбар этишляпти. Коммунистларни иш бошига қўйиб, кундалик графикларини аниқ икросини талаб қилишляпти. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, мусобақа ошкоралиги, оммавийлиги ва самарадорлигини ошириш, уюшқоқликни таъминлаш тадбирларини кўришляпти. Лекин Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Андижон областлари ҳақида гапирганда, бундай фикрга келиш қийин. Ҳолбуки, уларда ҳам пахта ўтган йилларга қараганда анча барвақт очилганига, терим учун зарур шарт-шароитлар борлигига қарамай сурьатда сезиларли ўсиш бўлган. Партия, совет, кассаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органилари раҳбарлари, мутахассислар бутун диққат-эътиборларини йиллик-терим ишларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, коллективларда оғил интизом ва юксак уюшқоқлик муҳитини яратишга, пировардига, мавсум сафарбарлигини тўла таъминлашга қаратишлари керак.

5 миллион 250 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тақдирини машина терими ҳал қилади. Бунинг учун дефолиация ишларини тевроқ тўғаллаб, ғўза туларининг устини ва остини ярусларини барча бағрларнинг тамом тўкилишига эришиш лозим. Токи, машина-механизмлар ва ҳамма турдаги терим агрегатларининг мавсум давоминда пухта, соз ва узлуksиз ишлаш таъминлансин. Бироқ ҳозирча бу муҳим агротехник таъбир икросига Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Андижон областлари хўжаликларига беларволик ҳоллари сезилляпти. Айин шу областлар ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисидаги кундалик маълумотларда охирги ўрнларда турганлиги боис шунда эмасин!

Устига-устак, айрим хўжаликларда терим машиналари, тракторлар, прицеплар, тележалар ва бошқа механизм ҳамда аппаратлар ҳануз тайёргарлик чизинига келтириб қўйилганча йўқ. Келтириб қўйилганли ҳам қайта текширува ва кийин чоғида қабул комиссиялари «интизом»ларидан ўтломайпти. Мисол учун Бухоро районидagi «Янги турмуш» колхозида «теримга тайёр», деб сағфа тизилган 15 агрегатнинг ҳаммасини сифат комиссияси аъзолари тевроқ ремонтга қайтаршга мажбур бўлишди. Худди шундай ҳол райондаги «Москва», «Бухоро» колхозларида ҳам содир бўлди. Ҳолбуки, район ўтган йили ҳам машина теримига етарли тайёргарлик кўрилаганлиги учун бу борадаги топириқлар жirosини барбод этган эди. Афтидан, сабоқ бўлмаган кўрнамиди!

Вазият — республикамиз хўжаликларига ғўза дефолиацияси тугаши ва машина терими бошланishi биланоқ кунига йиллик планининг камида 3-4 проценти икдорига пахта тайёрлашнинг одад тусига киритишнинг талаб қияляпти. Бунинг учун «пахта ҳали етлмади», «иниғи келтирилгани йўқ», «дефолиантлар етмишляпти» деган турли хил рўкчаларга кескин барҳам бериш ва пахта ташини транспортлари шинини машина терими сурьатига уйғунлаштириш керак бўлади. Шундай экан, дефолиация машиналари ва терим агрегатларининг умумли ишлашга етарли шартон яратиб қўйилмоғи шарт. Бу ишлар, шўб-ҳасис, олдимки мақсад қилиб қўйилган — ялли ҳосилнинг 60 проценти «пўлат этак»ларда териб олишда, пахтамиз ва толамиз сортини ахшиллашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Партия ташкилотлари, халқ депутатлари теримчилар ва механизаторлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларини шундай уюштиришлари керакин, токи, пахта ортилган карвонлар сафи кун сайин, соат сайин кенгайсин, белгиланган плани ва мажбуриятлар барвақт ўриласин.

Республика Компартияси Марказий Комитетининг XI пленумида таъкидланганидек, «Пахта — Ўзбекистоннинг энг муҳим интернационал ҳиссаси, иқтисодий фаровонлигининг неғизи» бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверар экан, уми тевроқ, созоқ териб олши, юксак хирмонларни барвақт тиклаш — ҳар бир пахтакорнинг жонанон иши!

...Олтин куз айни мавзида. Пахтазорда терим авжиди. Тилларда, дилларда жанговар даъват:
Куз — ғанимат, ўтмасин фурсат,
Пахтакорим, жасорат кўрсат!

Э. ХОНЕКЕРНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА АМАЛИЙ ВИЗИТИ Тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг тақлифига мувофиқ Германия Бирлашган социялистқ партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонекер 1988 йил сентябрь ойининг охирида амалий визит билан Совет Иттифоқига келди.



«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 22 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планта нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2,70	42,52	1,97	17,57
Қашқадарь	2,44	27,43	2,22	17,41
Фарғона	1,76	22,40	0,40	1,92
Андижон	1,47	22,30	0,53	2,06
Наманган	1,93	19,00	1,23	3,18
Сурхондарь	1,76	16,97	1,96	8,91
КПССР	1,49	16,37	1,51	9,65
Бухоро	1,72	14,37	0,42	1,68
Ташкент	1,32	10,68	1,12	3,28
Самарқанд	0,60	5,08	0,13	0,72
Сирдарь	0,69	4,46	0,64	2,72
Республика бўйича:	1,55	17,30	1,05	5,95
Шу жумладан иккинчи толали пахта:				
Наманган	2,34	33,70	—	—
Сурхондарь	1,83	17,89	2,72	10,84
Қашқадарь	1,24	11,71	1,22	5,10
Самарқанд	0,31	10,55	—	—
Бухоро	0,42	1,82	—	—
Республика бўйича:	1,57	15,37	2,07	8,37

ҚўРИҚ ХўЖАЛИК ҒАЛАБАСИ

Косон районидagi 52-кўриқ совхоз заршунослари Қашқадарь областида биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини ошириб бажардилар. Қабул пунктига 1600 тоннадан зиёд пахта топирилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Давлатга топирилган пахтанинг 95 проценти машиналар бункеридан тўкилди.

Қўлга киритилган бу муваффақиятга Дилмурод Қулмуродов, Яраш Бегимқулов, Собир Абдиев, Бекмурод Махманазаровлар бошқарувчи бўлган бўлимлар пахтакорлари салмоқди ҳисса қўшдилар. Даврон Эшонқулов, Маҳкам Шомуродов, Дамира Бекмуродова, Эшмурод Шомуродовлар бошлиқ бригадалар аъзолари ҳар гектар кўриқ ердан 20-22 центнердан ҳосил кўтардилар.

Дала гвардиячилари ҳосилни йиғиб-териб олишда жонбойлиқ кўрсатди. Сайдали Қосимов, Зокир Эшонқулов, Бекназар Қўчимов, Тўра Шомуродов, Ботирали Рустамов ваби механизаторлар эл хирмонида 90-100 тоннадан пахта териб тўкидилар.

— Чўлқуварларимиз ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар, — дейди совхоз директори Э. Бегимқулов. — Қабул пунктларига яна 600 тонна пахта топириб, ялли «оқ олтин» хирмонини 2200 тоннага етказмоқчимиз.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Коммунистик районидagi «Ленинский путь» колхозида пахта терими қизгин давом этмоқда. Айниқса, Эргаш Набиев бошлиқ бригада далаларида сурьат тобора кўтарилаётар. Коллектив бу йил 56 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирди. Мақсад — пландаги 28,5 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтариш.

Даладарда механизаторлар ҳам жавлон урмоқда. Анорбой Мўнибеков кунига бункердан 7-8 тоннадан пахта бўшатиб, кўчликка ибрат бўляпти. У мавсумда 120 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган. Суратларда: пешқадам механизатор А. Мўнибеков ва бригада далаларида машина терими пайти.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 22 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Қашқадарь	3,1	129,7	—	—
Сирдарь	3,4	118,2	—	—
Ташкент	3,0	111,0	—	—
Сурхондарь	4,4	105,5	—	—
Наманган	6,6	103,9	—	—
Қорақалпоғистон АССР	4,3	83,7	—	—
Хоразм	3,2	83,3	—	—
Бухоро	4,8	79,7	—	—
Андижон	5,0	67,1	—	—
Самарқанд	6,1	66,2	—	—
Фарғона	7,5	54,5	—	—
Республика бўйича:	4,4	95,7	—	—

Республика бўйича: 4,4

тоннадан пахта териб тўкидилар.

— Чўлқуварларимиз ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар, — дейди совхоз директори Э. Бегимқулов. — Қабул пунктларига яна 600 тонна пахта топириб, ялли «оқ олтин» хирмонини 2200 тоннага етказмоқчимиз.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИ ВА ШАҲАРЛИКЛАР ЁРДАМИ

ДИҚҚАТ: ЯНА ПАХТАКОРЛАР ВА ҲАШАРЧИЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШНИНГ ЯНГИЧА ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА

Бу йил шаҳардаги қўлаб корхоналар тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган. Шундай шароитда ишчи ва хизматчилар пахта теримига жалб қилиш корхоналарнинг молиявий аҳволига таъсир етмайди? Шаҳарликларни теримга жалб этиш мусоабати билан қилган харажатларини қим қойлайди?

Редакциямизга меҳнатнашлардан ана шу саволларга жавоб бериши сўраб қўлаб хатлар келмоқда. Биз ана шу саволларга жавоб бериши республика Давлат агроасаноат комитети молия бошқармаси бошлиғи Т. СИРОЖИДИНОВ, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги агроасаноат комплексини маблағ билан таъминлаш бўлими мудири В. УРУКОВ, республика Давлат агроасаноат комитети меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бошқармаси бошлиғи М. РАСУЛОВдан илтимос қилдик.

Т. СИРОЖИДИНОВ: — СССР Министрлар Советининг иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига ҳосилини ўз вақтида териб олишни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик ишларига корхоналар, ташкилот ва мусассаларнинг ремонт воситалари билан биргаликда ҳайдовчилар ва автотранспорт ажратиб, энг долзарб даладарда шаҳарлар, ишчи посёлкалари, бошқа аҳоли пунктларининг ишга яроқли аҳолисини теримга жалб этиш ҳуқуқини берадиган қарор қабул қилди. Лекин бу йилги мавсумнинг ўзгача хусусияти ҳам бор. Ўзгача хусусиятига бўлиб, баъқат бурюғмачи бўлиши колхоз ва совхозлар ҳамда пудратчи бўлими корхоналар, ташкилот, муассасалар ўртасидаги шартномага асослангани керак. Шундай шартномалар ишлаб чиқилган. Уларнинг асосий мазмуни шуки, шаҳарликларнинг иш жойидаги машинани сақлаб қолтиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, илгари корхона, ташкилот, муассасалар зиммасига тушадиган транспорт харажатларини энди колхоз ва совхозлар тўлайди. Командировка қилинган механизаторларнинг асосий иш жойида ўртача ойлик маошининг 75 проценти, бошқа ходимлар маошининг 50 проценти сақланади.

— Бу, албатта, жиддий ўзгариш. Аммо шаҳарлик ёрдамчи маошининг қолган қисминини пахтазорда ишлаб тўлдир оладими? Шартнома шартларини тўла бажариш (якни ёйлама шартнома шаҳарликларга колхоз ва совхозларда етарли шарт-шароитлар яратиш вазифасини юкляйди) уларни ҳалол, виждонан ишлашга мажбур қилиши маълу. Бироқ ёрдамчининг маҳоратини пахтакор маҳорати билан солиштириб бўлмайди-ку!

Амалдаги ҳақ тўлаш шароитида эса...

М. РАСУЛОВ: — Ҳақ тўлаш баҳолари ҳам бошқача бўлади. СССР Меҳнат ва социял масалалар давлат комитети ва ВЦСПС секретари қишлоқ хўжалигини, суғ хўжалигини ҳамда ўрмон хўжалигини механизация ёрдамида ва қўлга бажариладиган ишларга ҳақ тўлар тарифи акс этган справочникка ўзгаришлар киритишди. Агар илгари қўлда терилган пахта ҳамда подбор, кўрак учинчи разряд бўйича тарификация қилинган бўлса, энди қарорга мувофиқ қўлда терилган пахта ва подбор беничи разряд бўйича тарификация қилинади. Кўрак териш эса учинчи разряд бўйича қолдирилади.

Масалан, агар илгари хўжаликда кўсақ очилиши даражасига қараб бир сменада 50 килограмм норма белгиланган бўлса, қарор қабул қилинганча теримга учинчи разряд бўйича 3 сўм 37 тийин тўланарди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтказилган хўжаликларда эса КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1986 йили қарорига мувофиқ 4 сўм 16 тийин тўланарди. Бунда ҳосилни қисқа муддатларда ва нобуд қилмай йиғиштириб олгани учун 15 процент оширилган нархда ҳақ тўлаш кўзда тутилди. Шундай қилиб, шу даврда бир килограмм хом ашё 7,7 ва 9,56 тийин турарди.

Худди шу шароитда беничи разряднинг жорий этилиши билан теримчилар энди 4 сўм 06 тийин ёки 5 сўм 31 тийин ҳақ олади. Яъни бир килограмм пахтанинг нархи тегишли равишда 9,3 ва 12,2 тийин бўлади.

— Аммо, агар иш ҳақи фонди йикон берса бир килограмм терилган пахта учун тўланадиган ҳақини 15—20 тийингача кўтартиш мумкинми?

В. УРУКОВ: — Бунинг хўжаликнинг меҳнат коллективи кенгаши ҳал қилади.

— Ўзгача ҳали зарар қўраётган хўжаликлар қўй...

В. УРУКОВ: — Улар, албатта, ҳозир тақлиф қилинаётган нархлар доирасида ҳақ тўлашни амалга оширишлари қийин.

Бироқ, шуни назарда тутиш керакин, колхоз ва совхозлар 1988 йилнинг 10 декабридан кейинки йил ўз ходимларини ёрдамга юборган корхона, ташкилот, муассасалар сизига пул ўтказганини ҳақидида тўлов тақдимномаси нухсасини (давлат банки томонидан тасдиқланган) маҳаллий молия органиларига топиради. Давлат эса уларнинг харажатларини қойлайди. Бу қишлоққа ёрдам беришда муҳимдир.

— Шаҳарликларга кетган харажатлар учун хўжаликлар кейинчалик давлат бюджетидан тегишли ҳақ оладиларми?

Т. СИРОЖИДИНОВ: — Худди шундай. Бу ерда икки томонлама масъулият талаб қилинади.

— Бироқ бир кунлик ёрдам, деб ўйлаб автобусларда отаилдики далага бориш, кечқурун яна қайтиш, лекин пайкалда озгинагина ишлаш — буларнинг самараси кам-ку?

Т. СИРОЖИДИНОВ: — Шартномасиз, тўлиқ кўч ишламаслик отаилдики хўжалик ҳам, отаилдики олган корхона экономикасига ҳам зийдан бошқа нарса келтирмайди. Ўйлаيمانки, республикада ҳозир пахтани теришга тўланадиган ҳақини ошириш бўйича қўрилаган чоралар аввало пахтакорларнинг моддий маънавиятини оширади, ўша зарур бўлмаган шаҳарликларни теримга жалб қилишга барҳам беради.

МАРРАГА ЕТДИ

Гуллаан районидagi «Коммунизм» колхозининг Рустам Аҳмедов бошлиқ бригадаси заршунослари маррага етишди. Коллектив хўжалик хирмонида ўз икhtiёридаги 100 гектар майдондан 360 тонна пахта тўқди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сорт-

га топирилди. Миришкорлар хирмон саломини 480 тоннага — ҳосилдорлиғи гектар бошига 45 центнерга етказиш учун сўз бердилар. Терим давом этмоқда.

Ф. ЗОХИДОВ, Хоразм области.

Визит тугади

ЛЕНИНГРАД, 21 сентябрь. (ТАСС мухбири). Афғонистон Республикаси Бош министри М. Ҳ. Шарқнинг мамлакатимиз бўйлаб сафарини давом этмоқда. Бутун Ленинград Советининг икроси комитетида бўлиб ўтган суҳбатда меҳмон шаҳарнинг иқтисодий ва социял ривожланиши билан, Совет ҳокимияти органиларининг фаолиятини қайта кўриш, демократия ва ошқоралигини қайта тиклаш билан таъкидланган.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Киевда Украина ССР Олий Совети Президиумида Во Ти Конг Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко билан учрашди. Меҳмон республика Меҳнатнашларининг КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифок партия конференцияси қарорларини амалга оширишда эришган ютуқлари билан таништирилди.

Афғонистон Бош министри М. Ҳ. Шарқ СССРга қилган расмий дўстлик визитини тугаллаб, 22 сентябрда Ленинграддан Кобулга қўнаб кетди.

М. С. ГОРБАЧЕВ ВО ТИ КОНГ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 21 сентябрь кунги Кремлда ВКП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Во Ти Конг билан учрашди. Во Ти Конг расмий дўстлик визити билан СССРда меҳмон бўлиб турибди.

Суҳбат қатнашчилари КПСС билан ВКПнинг фаолияти тўғрисида, ҳозирги вақтда иккала қардош мамлакатда ҳал этилаётган вазифалар ҳақида бир-бирларига гапириб бердилар. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида ҳар томонлама Совет-Вьетнам ҳамжиҳатлигини ривожлантиришга иккала томон азму қарор берганлиги таъкидланди. Мазкур шартноманинг ўн йиллиги шу йил ноябрь ойида нишонланади.

Халқаро муаммоларни муҳофизат қилиш чоғида Вьетнам томон яқинда Красноярскда баён қилиб берилган янги совет ташаббусларини

тўла қўллаб-қувватлашни изҳор қилди. Совет Раҳбири Вьетнам, Лаос ва Кампучиянинг Жануби-Шарқий

Осиёда вазиятни соғломлаштиришга, бу регионни тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик регионига

айлантиришга қаратилган куч-гайратларига СССР ююкланган баҳо бераётганлигини таъкидлаб ўтди. Томонлар Кам-

пучиядаги вазиятни баргараф этиш ишида кўзга ташланган силкишни таъбирқил

